

**ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИ
ТАҲЛИЛИ**

UZBEKISTAN LAW REVIEW

**ОБЗОР ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА
УЗБЕКИСТАНА**

ИЛМИЙ ТАҲЛИЛИЙ ЖУРНАЛ	SCIENTIFIC ANALYTICAL JOURNAL	НАУЧНО АНАЛИТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ
--------------------------------------	--	--

**2024
№1-2**

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

БОШ МУҲАРРИР:

Гулямов Саид Саидахарович – юридик
фанлари доктори, профессор.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ АЪЗОЛАРИ:

Рустамбеков Исламбек Рустамбекович – ю.ф.д.,
профессор.

Ҳўжаев Шохжаҳон Акмалжон ўғли – юридик
фанлар бўйича фалсафа доктори.

Оқюлов Омонбой – ю.ф.д., профессор.

Эргашев Восит Ёқубович – ю.ф.н., профессор.

Маҳкамов Отабек Мухтарович – ю.ф.д.

Суюнова Дилбар Жолдасбаевна – ю.ф.д., доц.

Мусаев Бекзод Турсунбоевич – ю.ф.д., доц.

Беков Ихтиёр – ю.ф.д., проф.

Бозоров Сардор Сохибжонович – ю.ф.д., проф.
в.б.

Хазратқулов Одилбек Турсунович – юридик
фанлари номзоди, доцент.

Самарходжаев Ботир Билялович – ю.ф.д.,
профессор.

Ходжаев Бахшилло Камалович – ю.ф.д.,
профессор.

Нарзиев Отабек Саъдиевич – ю.ф.д., проф. в.б.

Жолдасова Шахноза Батировна – юридик
фанлар бўйича фалсафа доктори.

Маълумот олиш учун қуйидагиларга мурожаат этиш
сўралади:

Гулямов Саид Саидахарович,
Рустамбеков Исламбек Рустамбекович
ТДЮУ, Халқаро хусусий ҳуқуқ кафедраси,
Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., 100047,
Сайилгоҳ кўчаси, 35. Тел: 233-66-36

"Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили"нинг электрон
нусхаси Интернетдаги www.library-tsul.uz ёки
www.lawreview.uz сайтида жойлаштирилган.

Журнал 2013 йилдан Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамасининг Олий Аттестация
комиссияси журналлари рўйхатига киритилган.

Ушбу журналда баён этилган натижалар, хулосалар,
талқинлар уларнинг муаллифларига тегишли бўлиб,
Ўзбекистон Республикаси ёки Тошкент давлат юридик
университети сиёсати ёки фикрини акс эттирмайди.

2023 йилда нашр этилди.

Муаллифлик ҳуқуқлари Тошкент давлат юридик
университетига тегишли. Барча ҳуқуқлар ҳимояланган.
Журнал материалларидан фойдаланиш, тарқатиш ва
қўлайтириш Тошкент давлат юридик университети рухсати
билан амалга оширилади. Ушбу масалалар бўйича Тошкент
давлат юридик университетига мурожаат этилади.
Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., 100047, Сайилгоҳ
кўчаси, 35.

ISSN 2181-8118

Масъул котиб: **И. Рустамбеков**

Наشريёт муҳаррири: **Н. Ниязова**

Техник муҳаррир: **Д. Козимов**

Лицензия № 02-0074

Босишга рухсат этилди – 30.06.2024

Наشريёт ҳисоб табоғи – 5

«IMPRESS MEDIA» босмахонасида босилди

Адади – 100 нусха.

ИЛМИЙ-ТАҲЛИЛИЙ
ЖУРНАЛ

1-2/2024

МУНДАРИЖА

Б.Акмалхонов Международно-правовые гарантии защиты собственности во время вооруженных конфликтов	5
М.Истамов Ўзбекистонда сайлов жараёни иштирокчилари ва уларни мақомига оид қонунчиликнинг шаклланиш босқичлари.....	7
М.Турдалиев Legal issues of intellectual property law in digital era: key legal issues and digital landscape	11
Ш.Муродуллаев Текущее состояние накопительной пенсионной системы в Узбекистане: анализ и заключения	15
Д.Аликулов O'zbekistonda inklyuziv ta'limni huquqiy asoslari takomillashtirish masalalari	17
М.Тургунбоева Intellectual mulkda mualliflik huquqini tartibga solish tendensiyalari: nazariy va amaliy tahlil	20
Д.Авезов Маҳаллий кенгаш депутатининг ваколатини муддатидан илгари тугатишга оид қарашларнинг ҳуқуқий таҳлили	24
А.Норкулов Виртуал оламнинг янги объекти сифатида эмодзилар ва уларни ҳуқуқий тартибга солишнинг аҳамияти	28

Норкулов Акбар Уроқович
Тошкент давлат юридик университети
мустақил изланувчиси

ВИРТУАЛ ОЛАМНИНГ ЯНГИ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА ЭМОДЗИЛАР ВА УЛАРНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Аннотация: Ушбу мақолада бугунги кунда долзарблиги кундан кунга ошиб бораётган кибермакон, унинг пайдо бўлиши, тараққиёт этиш асослари ва ижтимоий тармоқлар билан ўзаро боғлиқ жиҳатлари атрофлича ўрганиб чиқилган. Кибермакондаги ҳуқуқий тартибга солиш тартиб асослари, унинг ҳуқуқий белгилари ҳамда ҳуқуқий табиати, кибермакон ҳақида олимларнинг фикр-мулоҳазалари асосида илмий таҳлил қилинган.

Кибермакондаги турли муносабатлар, виртуал оламидаги янги объектлар, улар билан боғлиқ муносабатлар, уларнинг тушунчаси, мазмун моҳияти ҳамда аҳамияти, кибермакондаги ижтимоий муносабатларнинг янги объектлари ҳисобланмиш эмодзиларга алоҳида урғу берилган. Эмодзиларнинг виртуал дунё, умуман кибермакон билан боғлиқ жиҳатлари, бу борада олимларнинг келтирган фикр ва илмий қарашлари, тавсиялари мақолада ўз аксини топган. Шунингдек, эмодзиларнинг кибермакон билан боғлиқ жиҳатлари ва улардан қонуний фойдаланиш чегаралари ва усуллари илмий таҳлил қилинган. Бу борада олимлар томонидан ўтказилан статистик материаллар ҳам келтириб о'tилган.

Кибермаконда номоддий неъматларнинг ҳимоя қилиниши, тартиби ва турлари, усуллари ёритиб берилган. Шу билан бир қаторда, аватарларнинг интеллектуал фаолият натижаси эканлиги, интеллектуал мулк объекти ҳисобланиши, уларнинг асоси сифатида етук олимлар томонидан берилган илмий та'рифлари таҳлил қилиб о'tилган. Бундан ташқари, аватарларнинг интеллектуал мулк объекти ҳисобланиши халқаро ва миллий нормалар асосида о'рганиб чиқилган. Кибермаконда аватарларнинг интеллектуал мулк объекти сифатида бевосита тартибга солишга қаратилган механизмни яритиш ҳамда бу борада рақамли ҳуқуқнинг янада ривожлантириш кераклиги ҳақида фикрлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: кибермакон, аватар, рақамли ҳуқуқ, ижтимоий тармоқ, интернет

Аннотация: Данная статья представляет собой комплексное исследование киберпространства, возникновение которого, основы разработки и аспекты, связанные с социальными сетями, актуальность которых возрастает день ото дня. Правовое регулирование в киберпространстве было научно проанализировано на основе принципов процедуры, ее правовых признаков и правовой природы, а также мнения ученых о киберпространстве.

Особый акцент делается на различных отношениях в киберпространстве, новых объектах в виртуальном мире, отношениях, связанных с ними, их понимании, сущности и значении, эмодзи, которые считаются новыми объектами социальных отношений в киберпространстве. Взгляды Эмодзиларинга на виртуальный мир, киберпространство в целом, мнение и научные взгляды ученых на этот счет, рекомендации которых

отражены в статье. Также был проведен научный анализ джиксатов emodzi, связанных с киберпространством, а также пределов и методов их законного использования. В этой связи также приводились статистические материалы, проведенные учеными.

В киберпространстве выделяются защита, порядок и виды, методы оказания нематериальных услуг. В качестве альтернативы был проанализирован тот факт, что аватары являются результатом интеллектуальной деятельности, расчет объекта интеллектуальной собственности, научные определения, данные зрелыми учеными в качестве их основы. Кроме того, расчет объекта интеллектуальной собственности аватаров был изучен на основе международных и национальных норм. Были высказаны мнения о создании механизма, направленного на прямое регулирование аватаров как объекта интеллектуальной собственности в киберпространстве, а также о необходимости дальнейшего развития цифрового права в этой связи.

Ключевые слова: Киберпространство, виртуальный мир, интернет, эмодзилар, цифровое право.

Abstract: This article is a comprehensive study of cyberspace, the emergence of which, the basics of development and aspects related to social networks, the relevance of which is increasing day by day. Legal regulation in cyberspace was scientifically analyzed on the basis of the principles of the procedure, its legal features and legal nature, as well as the opinions of scientists about cyberspace.

Special emphasis is placed on various relationships in cyberspace, new objects in the virtual world, relationships related to them, their understanding, essence and meaning, emojis, which are considered new objects of social relations in cyberspace. The views of Emojilarning on the virtual world, cyberspace in general, the opinion and scientific views of scientists on this subject, whose recommendations are reflected in the article. There was also a scientific analysis of emodzi jixats related to cyberspace, as well as the limits and methods of their legitimate use. In this regard, statistical materials conducted by scientists were also cited.

In cyberspace, protection, order and types, methods of rendering intangible services are distinguished. As an alternative, the fact that avatars are the result of intellectual activity, the calculation of the object of intellectual property, scientific definitions given by mature scientists as their basis were analyzed. In addition, the calculation of the object of intellectual property of avatars was studied on the basis of international and national norms. Opinions were expressed on the creation of a mechanism aimed at the direct regulation of avatars as an object of intellectual property in cyberspace, as well as on the need for further development of digital law in this regards

Keywords: cyberspace virtual world, Internet, emojis, digital law.

Кириш.

Рақамли трансформация даврида ахборот технологиялар инсон коммуникация усулларини тубдан ўзгартирмоқда. Хусусан, эмодзилар виртуал муолажа воситаси сифатида инсонлар орасида янги ифода шаклини вужудга келтирди.

Замонавий рақамли мақон шароитида эмодзилардан фойдаланиш кенг қамровли ижтимоий-

иқтисодий жараёнларга айланиб бормоқда. Бизнес, маркетинг, меҳнат муносабатлари каби турли соҳаларда эмодзилар коммуникация тизимининг муҳим элементига айланмоқда.

Кибермакон тушунчаси турли олимлар томонидан хилма-хил нуқтаи назардан тадқиқ этилмоқда. Масалан, Б.Хуфман инсоний муҳитни табиий, сунъий ва виртуал объектлар йиғиндиси сифатида қараса[1], Ф.Лотфи эса уни ахборот технологиялари воситасида яратилган алоҳида макон деб белгилайди[2]. Г.Акопов эса виртуал оламни инсонлар томонидан махсус технологиялар орқали амалга оширадиган ҳаракатлар майдони сифатида тушунади[3].

Бугунги кунда илм-фан олдида турган энг муҳим вазифалардан бири - рақамли муҳитдаги янги коммуникация шакллари, хусусан эмодзиларни ҳуқуқий ва назарий жиҳатдан тадқиқ этишдан иборат.

Умуман олганда, кибермакон инсон тафаккури маҳсули бўлиб, у муайян ижтимоий муносабатларни амалга оширишга йўналтирилган махсус рақамли интерактив майдон ҳисобланади.

Материал ва методлар.

Рақамли трансформация даврида кибермакон соҳасини тадқиқ этиш мақсадида кенг қўламли илмий-таҳлилий иш олиб борилди. Тадқиқотнинг асосий мақсади виртуал оламдаги ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқий табиатини чуқур ва ҳаматарафла ўрганишдан иборат эди.

Илмий изланишлар жараёнида замонавий методологик ёндашувлар қўлланилди. Хусусан, таҳлилий, қиёсий-ҳуқуқий, тарихий-генетик ва системали-структурал таҳлил усуллари асосида тадқиқот олиб борилди. Бу ёндашувлар кибермакон феноменининг кўп қирраларини очиб беришга имкон берди.

Тадқиқот доирасида миллий ва халқаро ҳуқуқий меъёрлар, илмий манбалар, назарий концепциялар кенг қамровли таҳлил қилинди. Эмодзилар, уларнинг пайдо бўлиш тарихи, ривожланиш босқичлари ҳамда интеллектуал мулк объекти сифатидаги ўрни алоҳида диққат марказида бўлди.

Миллий ва хорижий олимларнинг илмий қарашлари, концептуал ёндашувлари чуқур таҳлил қилиниб, уларнинг кибермакон ва унда содир бўладиган ижтимоий муносабатларга бўлган назариялари солиштирилди.

Тадқиқот натижасида кибермакон соҳасидаги ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқий табиатини тушуниш, улар ривожланишининг асосий тенденцияларини аниқлаш, шунингдек

Рақамли трансформация даврида ахборот технологиялари инсон коммуникациясининг янги шаклини шакллантирмоқда. Бу жараёнда эмодзилар виртуал алоқа воситаси сифатида муҳим ўрин эгаллай бошлади.

Тадқиқот натижалари.

Эмодзиларнинг пайдо бўлиш тарихи 1990-йилларга бориб қолади. 1999 йилда япониялик муҳандис Шигитака Курита томонидан мобил дастур учун яратилган эмодзилар ҳозирда глобал коммуникация тизимининг ажралмас қисмига айланиб улгурди.

Турли соҳа мутахассислари эмодзиларга ўзига хос таъриф беришади. Масалан, Е.Кольцова уларни "расмли характер" сифатида тавсифласа[4], Анна Вагнер эмодзиларни компьютер қурилмаларида сўзлар ўрнини босадиган интернет восита деб қарайди[5]. Р. Бартле эса эса эмодзиларни

"киберсўзлашув" каби янги лингвистик феномен деб атади[6].

Замонавий статистик маълумотларга кўра, ижтимоий тармоқ фойдаланувчиларининг 92% эмодзилардан фаол фойдаланмоқда. Бу эса уларнинг коммуникация тизимидаги ролини яққол кўрсатади.

Бугунги кунда эмодзилар фақат коммуникация воситаси бўлиб қолмасдан, балки маркетинг, бизнес, ҳуқуқий муносабатлар, суд амалиёти каби турли соҳаларда ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб бормоқда.

Д.Мессериан таъкидлашича, эмодзилар глобал коммуникация билан бир қаторда, турли соҳалардаги ижтимоий муносабатларни ифодалашнинг янги шакли сифатида намоён бўлмоқда[7].

Умуман олганда, эмодзилар – бу замонавий кибермаконнинг динамик ривожланаётган, кўп функционал объекти бўлиб, инсон алоқасининг янги шаклини белгилаб бермоқда.

Айнан ушбу ҳолат бўйича бир қатор амалий ҳолатлар учрамоқда. Шулардан бири сифатида Россия Федерациясида содир бўлган эмодзи билан боғлиқ суд жараёнини эслаб ўтиш мумкин. Хусусан, юридик фирма раҳбари ва солиқ хизмати бошлиғи ўринбосари ўзаро тил бириктириб тадбиркордан катта пул ундириш учун режа тузушади. Солиқ хизмати тадбиркорни текширгандай бўлади ва жуда кўп қонунбузилишларини аниқлайди.

Шу вазиятда юридик фирма раҳбари тадбиркорга ёрдам бериш учун ўртада воситачилик қилади. Солиқ хизмати ва юридик фирманинг тил бириктирилганидан хабардор бўлиб қолган тадбиркор ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга мурожаат қилади. Суд ишни текшириш жараёнида юридик фирма раҳбари ва тадбиркор ўртасидаги ёзишмаларни текширади.

Шунда юридик хизмат раҳбари тадбиркордан солиқ хизматини кўндириш учун пул сўраганигини маълум қилади ва бу сўзни эса пул кўринишидаги қопнинг рамзи тушурилган эмодзи билан ифодалайди. Яқинда эса суд солиқ хизмати мансабдор шахси ва юридик хизмат раҳбари ўринбосарига тегишли тартибда жиноий жазо белгилайди.

Рақамли коммуникация даврида эмодзилар ҳуқуқий тартибга солиш муаммоси глобал ахборот тизимининг долзарб масаласига айланмоқда. Ҳозирги вақтда кўпгина давлатлар қонунчилигида эмодзилар расмий далил сифатида тан олинмаса-да, уларнинг ижтимоий-ҳуқуқий аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Эмодзилардан фойдаланишни чегаралашнинг энг мақбул усули – уларни интеллектуал мулк объекти сифатида қараш ва тегишли ҳуқуқий механизмлар ишлаб чиқишдан иборат. Бунда кибермаконнинг трансчегаравий табиати алоҳида эътиборга олинаши зарур.

Замонавий ҳуқуқий парадигмада эмодзилар интеллектуал мулк категориясига киритилиши ва муаллифлик ҳуқуқи билан қўриқланиши лозим. Бу эса:

- Эмодзиларнинг ягона стандартларини белгилаш;
- Уларнинг муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш;
- Қонунсиз фойдаланишнинг олдини олиш;
- каби вазифаларни ўз ичига олади.

Бугунги кунда эмодзиларга бўлган ёндашувни қайта қўриб чиқиш ва уларнинг ҳуқуқий статусини аниқлаштириш ҳуқуқшунослар олдида турган асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Замонавий рақамли коммуникация соҳасида эмодзилар жадал ривожланаётган янги тил шакли сифатида намоён бўлмоқда. А.Шапалов томонидан

эмодзиларнинг қатъий икки асосий тури таҳлил қилинган:

Биринчи тур – стандартлаштирилган эмодзилар: Бу эмодзилар "UNICODE" глобал тизимида қайд этилган бўлиб, ҳозирги вақтда уларнинг сони 3000 дан ошиб кетди. Бундай эмодзилар халқаро даражада танилган ва барча электрон платформаларда қўлланиладиган умумий графикли белгилар ҳисобланади.

Иккинчи тур – шахсий эмодзилар: Бу эмодзилар фойдаланувчиларнинг индивидуал ижодий маҳсули бўлиб, улар фақат муайян платформа ёки қўрилмаларда қўлланилиши мумкин[8].

"UNICODE" тизимидаги стандарт эмодзилар кибермакон фойдаланувчилари томонидан эркин ва бепул қўлланилиши мумкин. Бундай фойдаланиш интеллектуал мулк ҳуқуқини бузмайди, чунки улар глобал коммуникация учун мўлжалланган.

Шахсийлаштириш ҳақида гап кетганда, уларнинг бугунги кундаги долзарблиги шу қадар ривожланиб бормоқдаки, айрим машҳур санъаткорлар ўзларининг шахсий эмодзиларини яратиб келмоқда, хусусан санъаткор Жастен Бибер "Жастможи" каби ўз эмодзисини яратган.

Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, виртуал оламдаги бугунги кунда фойдаланиб келинадиган эмодзи интеллектуал мулк ҳуқуқининг объекти ҳисобланиб муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимоя қилинади.

Х.Рахмонқуловнинг назарий ёндашуви интеллектуал мулкнинг кенг ва чуқур тушунчасини очиб беради. Муаллиф интеллектуал мулкни фақат моддий активлар билан чегараланмайдиган, балки инсоний ижод маҳсуллари ҳам ўз ичига олган кенг тушунча сифатида тавсифлайди[9].

Интеллектуал мулк объеклари сифатида адабий, бадеий, илмий асарлар, санъат намуналари, ихтиролар, товар белгилари, фирма номлари каби кўплаб номоддий қийматли объектлар киритилади.

Замонавий рақамли дунёда бу тушунча янада кенгрок қамровни эгаллайди. Компьютер графикаси асосида яратилган кибермакон объеклари - эмодзилар, аватарлар, виртуал расмлар ҳам интеллектуал мулк ҳуқуқининг тўла қонли объеклари сифатида баҳоланиши зарур.

Асосий мезон - бу объекларнинг инсон ижодий салоҳияти билан яратилганлигидир. Шундай қилиб, ҳар қандай ижодий маҳсул, унинг шакли қандай бўлишидан қатъи назар, интеллектуал мулк сифатида қаралиши мумкин.

Г.Купер рақамли коммуникация соҳасида эмодзиларнинг интеллектуал мулк ҳуқуқи масаласига алоҳида эътибор қаратади. Унинг назарида, эмодзилар фақат оддий графикли белги эмас, балки муаллифлик ҳуқуқи билан қўриқланадиган ижодий маҳсул ҳисобланади[10].

Мутахассиснинг фикрича, кибермакон доирасида эмодзилардан рухсатсиз фойдаланиш муаллифлик ҳуқуқининг қатъий бузилиши деб қаралиши лозим. Бу эса эмодзи яратувчиларининг интеллектуал меҳнатига нисбатан ҳурмат ва эътиборни англатади.

А.Базиллов рақамли коммуникация соҳасидаги интеллектуал мулк ҳуқуқи масаласини чуқур таҳлил қилади. Унинг назарий ёндашувига кўра, интернет оламида эмодзи, аватар ва бошқа рақамли контентлардан фойдаланишнинг қонуний асослари мавжуд бўлса-да, муаллифнинг рухсатини олиш ҳуқуқий маданиятнинг энг муҳим кўрсаткичи

ҳисобланади[11].

Мутахассис фикрига асосан, рақамли контентга эғалик қилиш эмас, балки уни тегишли равишда қўллаш ва муаллифнинг ижодий ҳуқуқини эъзозлаш муҳимдир. Бу эса ижтимоий-ахборот муносабатларида ахлоқий ва ҳуқуқий маданиятнинг белгиси ҳисобланади.

Эмодзиларнинг интеллектуал мулк объекти сифатида ҳуқуқий статуси муаллифлик ҳуқуқининг кенгайган доираси контекстида тадқиқ этилиши мумкин. Ушбу визуал коммуникация воситаси ҳуқуқий баҳолашнинг кўплаб қирраларини ўз ичига олади.

Амалдаги қонунчиликларимиз, Фуқаролик кодекси, "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги қонунларимизда эмодзиларни интеллектуал мулк объекти сифатида эътироф этишга имкон беради. Хусусан, "характерни ифодаловчи сурат" тушунчаси эмодзиларнинг ҳуқуқий мақомини белгилашда калит аҳамиятга эга.

Эмодзиларнинг ҳуқуқий статусини белгилашда қуйидаги методологик ёндашувлар муҳимдир:

1. Креативлик даражаси - эмодзиларнинг ўзига хос дизайн ва уникаллиги
2. Муаллифлик ҳуқуқи - графика яратилган контекст
3. Қайта ишлаш ва трансформация имконияти
4. Глобал коммуникация воситаси сифатида аҳамияти

Эмодзиларни интеллектуал мулк объекти сифатида тан олиш уларнинг муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш механизмларини яратади. Бу эса рақамли коммуникация маданиятининг ҳуқуқий жиҳатларини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Рақамли коммуникация экосистемасининг такомиллашуви янги объекларнинг пайдо бўлишига олиб келмоқда. Эмодзилар шундай инновацион коммуникатив феноменлардан биридир, улар ҳозирги ахборот муҳитида турли соҳаларда кенг қўлланилмоқда.

Кибермаконда эмодзиларнинг ҳуқуқий статусини белгилаш муосир ҳуқуқ тизимининг долзарб вазифаларидан саналади. Бу соҳада қуйидаги концептуал йўналишлар муҳим аҳамиятга эга:

1. Эмодзиларнинг ҳуқуқий мақомини аниқлаш
2. Уларнинг интеллектуал мулк сифатидаги ҳимоя механизмларини яратиш
3. Қўлланилиш чегараларини белгилаш
4. Муҳофаза қилиш тартибини такомиллаштириш

Ҳозирги босқичда эмодзилар маркетинг стратегиялари, шартномавий муносабатлар ва тадбиркорлик фаолиятида кенг қўлланилмоқда. Айрим мамлакатларда судлар томонидан ҳам эмодзилар далил сифатида қабул қилина бошланди.

Бу тенденция эмодзиларнинг ҳуқуқий тартибга солиниш зарурлигини кўрсатади. Хусусан, уларнинг фойдаланилиш қоидаларини аниқлаш, чегараларини белгилаш ва қонун бузилган тақдирда жавобгарлик механизмларини жорий этиш муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса қилиб айтганда, эмодзиларнинг ҳуқуқий институционализацияси рақамли коммуникацияларнинг ривожланиш стратегиясининг муҳим элементи ҳисобланади

АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ

1. Huffman B. J. Virtual Property and Virtual Currency

//The Routledge Companion to Copyright and Creativity in the 21st Century. – Routledge, 2020.

2. Lotfi F. M. Jurisprudential And Legal Legitimacy Of Virtual Property In Economics. – 2021.;

3. Akopov G. Internet i politika. Madirnazatsiya paliticheskoy sistemy na asove innovatsionnykh paliticheskikh internet-kommunikatsiy. (Internet and politics. Modernization of the political system based on innovative political Internet communications) Monograph. Moscow: KNORUS. 2017

4. Ye. Kaltsiva, F. Kartoshkova “Multimodalniy xarakter funktsionirovaniya imodzy v mejlichnostom obsheniye”. (Multimodal nature of digital communication: emoji functioning in interpersonal communication)” RUDN Journal of Language Studies, Semiotics and Semantics.

5. Anne Wagner. Emojis and Law: contextualized flexibility of meaning in cyber communication, disser/2020.

6. Bartle R. A. Designing virtual worlds. // New Riders, 2004.

7. D. Missirian “Ispolzovaniye imodzy v mejdunarodnom obsheniye: Kulturniy most dlya biznesa ili potentsialnaya lovushka” (The Use of Emoji in International Communication: A Cultural Bridge for Businesses or a Potential Pitfall). Page 5

8. A. Shapalova “Issledovaniye roli imodzy v onlayn-soobshchestvo” // Nauchno-texnicheskii vestnik informatsionnykh tekhnologiy, mexaniki optiki.” (Exploring the role of emojis in the online community) Scientific and Technical Bulletin of Information Technologies, Mechanics and Optics. 2018. T. 18 №5.

9. X. Raxmonkulov “Объекты гражданского права” (Objects of civil law)”. - T., 2009.

10. Cooper G. Virtual property: trusts of cryptocurrencies and other digital assets // Trusts & Trustees. – 2021. – T. 27. – №. 7.

11. Bazilov A., Kchilchevsky A. legal regulation of virtual property // We speak Legal English, German, French, Spanish.... – 2019.